



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 3 июль, № 132 (4795)

Жума

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 2 июль куни Наманган вилоятида бўлди.

Наманган вилояти мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган минтақалардан-дир. Наманган аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 10,7 фоизни ташкил этди, sanoat маҳсулотлари ва халқ исёмоли моллари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Бу йил вилоятда 79 минг гектар майдонга галла, 86 минг гектардан зиёд ерга пахта экилди. Вилоятдаги етти мингга яқин фермер хўжалиги пахтачилик ва галлачиликдан ташқари, бодорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш билан шуғулланади.

Бугунгача вилоятнинг беш тумани давлатга галла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Умумий галла майдонининг 65,4 фоизидида ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Галладан бўшаган майдонларни сомондан тозалаш ва пешма-пеш шудгорлаш ишлари изчил давом этмоқда.

Президент Ислам Каримов Косонсой туманидаги "Чинор" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Ислам Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

— Фермер фаолияти фақат галла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа sanoat олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Жумладан, чорвачилик — сердаромад соҳалардан бири. Бу соҳани ривожлантириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадни бир неча ҳисса орттириш мумкин. Бу нафақат ички бозор талабларини қондириш, балки мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини ҳам беради.

Президентимизнинг таклиф ва маслаҳатлари нечоғли асосли эканига Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— 189 гектар еримиз бор, — дейди Ҳ. Мўйдинхўжаев. — Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. Хўжалигимизда 730 бош қорамол бор. 300 бош соғин сирги кунига 5 тоннагача сут беради. Уни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Яқинда гўшти қайта ишлайдиган цех очдик.

Юртбошимиз "Чашмаи сафед" каби фермер хўжаликлари тажрибасини омаллаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш sanoatини ривожлантиришда ёрдам бериш мақсадида мувофиқлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Наманган филиалида олимлар ва фермерлар билан учрашди.

Мазкур институт маҳаллий tupроқ хусусиятлари ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда галла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, янги уруғлик навлари етиштириш каби вазифаларни бажаради.

Филиалда галла ва пахта уруғчилиги бўйича ҳар йили юқори ҳосил олинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, наманганлик фермерларнинг 95 фоизи вилоятнинг ўзида тайёрланаётган сифатли уруғ билан таъминланмоқда.

Мутахассисларнинг илмий изланишлари натижасида галланинг серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли икки янги нави — "Ғайрат" ва "Ғавҳар" яратилди.

Президентимиз филиалда Фарғона водийси далаларида етиштирилаётган галланинг йиғирмадан зиёд нави намуналарини кўздан кечирди. "Чиллаки" навининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари билан қизиқди. Наманган вилоятининг иқлим ва tupроқ шароитига мослашган, эртапишар, серҳосил нав бўлиб, гектаридан 50-60 центнер ҳосил беради.

— Истиқболли галла навларини яратиш давлат аҳамиятига молик масала, — деди Ислам



Каримов. — Биз эртани ўйлашимиз, янги навларни яратишда илмий асосларга таянган ҳолда фермерларнинг маслаҳатлари, таклифи ва тавсияларини инобатга олишимиз даркор.

Ислам Каримов мустақиллик йилларига қадар Ўзбекистонда галлачилик анча оқсоқ соҳа бўлганини, бугунги кунда олимларимиз ва фермерларимиз ҳамжихатлиқда иш юритиб, юксак натижаларга эришаётганини таъкидлади. Фермерларнинг турмуши, меҳнат шароити, соҳадаги ютуқ ва муаммолар ҳақидаги уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Наманган вилояти фаоллари билан учрашди.

Ислам Каримов "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ижро этиш қишлоқ аҳолисининг ҳаёт дара-

жасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа sanoat олиб киришда, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Наманган шаҳри инфратузилмасини такомиллаштириш, ёшларни, айниқса, коллеж ва лицейларни битираётган йигит-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ислам Каримов Наманган вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Бу ердаги шароит, ўқув машғулотлар жараёни, ҳарбийларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги билан танишди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Акрам САТТОРОВ,
Ўза Махсус мухбирлари.
Фарҳод ҚУРБОНОВ
олган сурат.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлиши бадий ижод, хусусан, бадий адабиёт ривожи ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Мустабид тузум даврида номлари, асарлари таъкидлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келинаётгани, нашрий ёки босма соҳалар, газета ва журналларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлади.

Шу йил 24 июнь куни Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисини раиси Б. Алимовни қабул қилиб, уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривож-

лантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашган ва ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр билдирган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисини фаоллар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар билан бирга маданият ва санъат, таълим, илм-фан соҳасидаги вазирлик ва идоралар, ижтимоий жамғармалар, маънавият, ёшлар ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ёзувчилар уюмисини фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан йиғилиш қатнашчиларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов таништирди.

Куйида давлатимиз раҳбарининг ана шу фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисини ҳақида гапирганда, табиийки, халқимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас қисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва қадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган захматкаш инсонлар, уларнинг оғир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало, Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат

ноёб истеъдоди, айна пайтада бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўтабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илғор қисми бўлиши бадий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий маъ-

садлари, бугунги ҳаёти, тақдирини ва келажакни яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқийсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарама-қарши, ўз ижодида, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзгичлигини англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келаётганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни қу-

затиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадий буюклар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янги руҳда ўсиб-ўлғаяётган навқирон авлодни воёга етказмоқдамиз. Савол туғилади: бу жараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг

олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак? Она тилимизни, бадий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюмисининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?

Жамиятнинг илғор ва онгли вакилларини бирлаштирган мазкур ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий ҳаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни кун тартибига қўйиш ўринлидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Қашқадарё вилояти галлакорлари қабул пунктларига 372 минг тоннадан зиёд галла отказиб бериб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар.

ҚАШҚАДАРЁЛИК ФИДОЙИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

Суғориладиган майдонларда галла ҳосилдорлиги ўртача 57,9 центнерни ташкил этди. Шахрисабза, Яқкабоб, Касби, Косон, Чироқчи, Қашмаши туманларида бу кўрсаткич 62-65 центнерга етди. Фузор туманидаги «Тўра бобо», «Шоймардон бобо Пулат ўғли» ва «Жўра бобо», Қарши туманидаги «Раимқул Султон» ва «Ҳасанов Ҳамза Пардаевич», Нишон туманидаги «Усмонов Бован» ва «Мусаев Чори», Косон туманидаги «Равшанкул ота», Қашмаши туманидаги «Бунёд» фермер хўжаликлари жамоалари эса энг юқори натижаларга эришдилар.

Жорий йилда вилоятда 6 минг 524 та фермер хўжалиги галла етиштирди. Уруғни ерга қадаш белгиланган муддатларда тугаллангани, экинни озиклантириш, суғориш ва бошқа агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилгани мўл ҳосил етиштиришга замин яратди. Айниқса, баҳорнинг серёғин келгани туфайли 63 минг гектар лалми майдонда ҳам ҳосил баракали бўлди. Гарчи зиммадаги мажбурият уддаланган бўлса-да, вилоят далаларида ўрим-йиғим ишлари давом эттирилмоқда. Чунки ҳали ҳосил мўл. Ҳосилдан бўшаган майдонлар эса пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқларда янги коллежлар

Жондор туманидаги «Хумин» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида 540 ўринли педагогика касб-хунар коллежи биноси қад ростлади.

Объектда ҳозир «20-трест» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 7-вакиллик қурувчилари пардозлаш ишларини олиб бораётдилар. Янги коллеж биноси Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Айтиш жоизки, Бухоро вилоятида жорий йилда 13 та янги касб-хунар коллежи иш бошлади. Натижада уларнинг жами сони 88 тага етди.

И. ИБРОҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Беш миллиард сўмлик маҳсулот

«Анджонмаш» корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури жорий этилгач, ишлар юришиб кетди.

Аввалига «Ҳамкорбанк»нинг 143 минг АҚШ доллари миқдоридида кредити ҳисобига Россиядан пўлат эритувчи индукцион печлар келтирилди. Сўнгра «Ўзбекэнерго» тизимидидаги корхоналар учун зарур бўлган 14 турдаги пўлат ва чуян қуйма маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, янги йўналиш ишга туширилиб, 26 нафар киши ишга жалб қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастури самараси ўлароқ, мазкур корхонада шу йилнинг беш ойи мобайнида 2 миллиард 598 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил охиригача эса 5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан баҳраманд бўладиган кенг китобхонлар оmmasи, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбияси билан, узоқ йиллар ҳумрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маълумласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобирини, миллат ва халқнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний қадриятларга қарши бўлганини ижод аҳли ҳаммадан кўра чуқурроқ англаган.

Табийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан муроца қилишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустақим тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадриятлари, эл-юрт тақдирини ҳақиқатга қай-қайриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салохати, тафаккур ва маънавий асри сифатида инсоният олдига янги-янги уфқлар очиб билан бирга, биз илгари кўрмаган, ҳам келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. **Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариатнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишига қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Яъни, ёзувчи "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаёсан, инсон деган одамга нонга муносиб бўлиш учун нима қиласан?" деган саволларни китобхон олдига, жамият олдига қатъий қилиб қўя олсагина, ўйламанки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало, катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродани талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойиллик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам ҳаётнинг ўзи ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Мухтасар айтганда, бизнинг бадий ижод соҳасига, бу Уюшманиннг бугунги тақдирини, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз, аввало, ёзувчилар уюшмасидagi муҳитни яхшилаш, уни мавжуд оғир вазиятдан чиқаришдек муҳим масалани ҳал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адабларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айтилганда давлат, ҳукумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўлича, ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оқддий аъзосигача — унинг фаолиятига дахлдор ҳар бир одам ёзувчилар оламнинг фикру эрдими, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тушунишга қодир бўлиши керак.

Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиниб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт куриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада қандай оғир йўللاردан, қандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адабларимиз айнан мана шундай масалалар учун, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбига қандай ақс-садо бераётгани ҳақида яна бир бор ўйлаб қўришимиз керак.

Сир эмаски, бугун илгаригидек фақат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Ноқулайроқ бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб қўрайлик: кенг китобхонлар, айниқ-

са, ҳозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтиладиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни, асосан, Интернет орқали олапти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар "Ўткан кунлар", "Уруш ва тинчлик" каби муомтаз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар, албатта, яхши тушунасиз.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида муомтаз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавий-маърифий ҳаётимизга айлантириш барчамизга, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб қўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдод билан одамларнинг онги ва дунёқарашини, маданий савиясини юксалтириш, халқ қалбининг кўйисига бўлишдек оғир ва мураккаб, улғунг бир вазифани зиммасига олган экан, аввало, эл-юрт олдидagi фарзандлик бурчини, граждонлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши хал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик бу олдий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичиди бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Шу маънода, ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошқа жамоат ташкилотларидан мутлақо фарқ қилади. Бу Уюшма ҳар бири алоҳида бир одам бўлган ўйлаб, юзлаб шоир ва адабчиларни, уларнинг нафақат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи наشريёт учун хизмат қилишига чек қўйиб лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, кино-студиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етказиш, улар билан ҳамкорлик қилишдан, асарлар янада кенгрок минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки бу ижод турларининг ҳам тағи-заминида, биринчи навбатда, адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим **биринчи масала** ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адабнинг сўзи, унинг ижодий меҳнатининг маҳсули жамият тараққиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало, шу соҳага қариб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адабларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчининг танлайди. **Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб кадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.**

Шундан келиб чиқадиган **иккинчи масала** шуки, бугунги кунда

ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очигини айтганда, бир ёзувчига юқорилик, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам охири қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий савдоларини ақс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёrlар механизмни ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарсас.

Айтилик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масалани моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совиштиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики, уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муволажа бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адаблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак кўрини, бутун борлигини бағишлаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидagi айнан шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлган Адабиёт жамғармаси бугунги кунда молиявий жиҳатдан ноқарор ҳолатда келиб қолган. Шу сабабли унинг ўзиди янги жамғарма — Ижод фондига тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш муаммоларини ечишга имкон туғдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондига низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низоми жамғармасини шакллантиришга, албатта, давлат ўз маблағи билан хисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамғармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, **адабиёт масаласи — бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож топиши учун, келажакимиз учун хизмат қилишнинг ёддан чиқармаслигимиз лозим.** Ижодий жараёнинг, адабиётнинг асосий бунёдкори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни фақат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз ҳиссасини қўйиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандалликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошалаётган ишларимиз амалий самара бериши, гоёвий-бадий етук асарлар яратишга заман туғдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта қўриб чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, ҳақиқий ижод намунасини қалбаки асарлардан, яъни шолини курмақдан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлинисини ва Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратиши кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёр-

лаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам аъналарлар давомийлиги, кеска авлод вакиллари ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш хал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кеска адабларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улғунг ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оқсоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бериш айнаи муқдир бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Учинчи масала. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон, авваломбард, бу ташкилотнинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: ҳўп, бир қаламқаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижодида, ҳаётда сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шуғулланишим мумкин, деган тушунишни ҳис этиш, шундан қониқиб ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида беришган одамлар бир-бирини рағбатлантириш, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, тақдор айтаман, биринчи навбатда, ижодкорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса, аввало, моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибининг ҳам қўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улғунг ижодкорларнинг кутлуғ номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган фидойи инсонларга бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

Тўртинчи масала — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни ишлаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақриزلардан ўтиб, тегишли эътиборга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваломбард, устоз адабларни, Ёзувчилар уюшмасининг таъриқи ва нуфузи аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида қўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўғарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳо-мунозаралар, мушоиралар, фикр алмушаралар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машғулотлар олиб бориши кучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда қатнашаётган қаламқашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаб-

бускор бўлиши, бу ишларни "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини қанчалик оқлапти — бу масалани ҳам алоҳида қўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санитарийларда, хушҳово чаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт қўйинида бўлиши, унинг қайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, хузур-ҳаловатдан воз кечиб, том маънода фидойиллик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғам билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Қолаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бешинчи масала. Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарифидинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдирган-декмиз. Яъни, у киши "Жаҳон адабиёти" журналин орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаганми. Ҳолбуки, биз маънавий-маърифий юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканми, ҳеч қачон ўз қобилигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашди, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзгича намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Фарб билан бирга, Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувейт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтириши тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда, албатта, ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият фоят зарур. Шуни унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — Худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди.

Энг охириги масала — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч қандай четдан туриб аралаша олмайдик. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортдан қувиб, бадий жиҳатдан заиф, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймастик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шерь ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада кучайтириш керак, десам, ўйламанки, ...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган қизгин ва самимий фикр алмушар ҳамда муоамаларда уюшма раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Миллий университети профессори, адабиётшунос Умарали Норматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо, адабиётшунос олим Шўҳрат Ризаев, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова, "Жаҳон адабиёти" журналин бош муҳаррири, шоир Мирпўлат Мирзаев, ёзувчи Улғубек Ҳамдамов, самарқандлик адиб ва публицист Нусрат Раҳмат ва бошқалар қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек адабиётининг бугунги кун ва эртанги истиқболини ўйлаб кўрсатилган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар. Хусусан, Президентимизнинг ижод аҳлига қаратилган маъмурият нафақат Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, балки бутун маънавий ҳаётимиз учун умумий миллий аҳамиятга эга экани, бу фикр-мулоҳазалар бугунги кунда шоир ва адаблар олдига турган муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Йилгишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

муҳтарам адабларимиз ҳам бу фикрга қўшилидилар.

Бунда, айниқса, Уюшма муассислигида чоп этиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик", "Амударё" журналлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамоийли, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб бориши таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият касб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз таркибида истеъдодли, ҳолис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгаширининг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иқтидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат ҳисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тарихида минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан баҳраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юрларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар ҳақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ярим асрда кузатилмаганди

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодийга салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда.

Хусусан, Буюк Британия статистика бошқармаси томонидан маълум қилинишича, жорий йилнинг ўтган чорагида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,4 фоизга камайиб кетган. Агар вазият шундай давом этарэса, йил якунига бориб, бу кўрсаткич 4,3 фоизгача етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Буюк Британия иқтисодиётида бундай салбий натижалар 1958 йилдан кейин қайд қилинмаган экан.

Келишув имзоланди

Ироқ ҳукумати "Бритиш петролеум" (Буюк Британия) ва "Чайна нэйшл петролиум корпорейшн" (Хитой) компаниялари билан нефтни қайта ишлаш бўйича битим имзоланди.

Унга кўра, мазкур компаниялар мамлакат жанубидаги "қора олтин" қонларида иш олиб боради. Келишув 20 йил муддатга тузилган.

Манбада айтилишича, Ироқда 115 миллиард баррель нефть захираси мавжудлиги аниқланган бўлиб, ҳозир шундан қунига икки миллиондан тўрт миллион баррелгача қазиб олинмоқда. Ҳукумат бу суръатни тўрт миллиондан туширмалики режалаштирган.

Ироқ нефть захираси бойлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Давлат бюджетининг 95 фоизи ана шу маҳсулот ҳисобига шакллантирилади.

Кенг қамровли ҳарбий амалиёт

АҚШ қуролли кучлари Афғонистоннинг Гильменд музофотида "Толибон" жангариларига қарши кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни бошлади.



Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, бу Оқ уй раҳбарияти томонидан АҚШнинг ушбу мамлакатдаги янги стратегияси белгиланганидан сўнг амалга оширилган биринчи энг катта жанговар тадбирдир.

Изоҳланганича, терроризмга қарши курашда Ироқ эмас, асосий фронт Афғонистон ҳисобланади.

Жанговар ҳаракатларда тўрт мингга яқин АҚШ ҳарбийси иштирок этмоқда. Уларга Афғонистон армиясининг қарийб 650 нафар аскари ва полиция ходимлари қўмаклашаётди.

Буюртма миқдорини оширди

Япониянинг "All Nippon Airways" авиакомпанияси "Boeing-787 Dreamliner" самолётларига берган буюртмасини кўпайтиришни маълум қилди, дейилди "Reuters" ахборот агентлиги хабариди.

Компания ана шу ҳаво лайнерларидан 55 донасини сотиб олишга қарор қилган. Эслатиб ўтамиз, "All Nippon Airways" дастлаб "Орзулар лайнери" дея номланган ушбу русумдаги 50 та самолётга буюртма берганди.

Таъкидлаш керак, Япония авиакомпанияси ва "Boeing" компанияси ўртасида бу борадаги битим беш йил му-

қаддам имзоланган бўлса-да, ҳозиргача шу турдаги самолётлардан биронтаси ҳам келтирилмаган. Бунга сабаб "Boeing-787 Dreamliner"ларнинг синов муддати ҳамон ўтказилмаганидир. "Boeing-787 Dreamliner" 250 нафаргача йўловчи ташиш имкониятига эга бўлиб, тўхтовсиз 14,2 миң километр масофани босиб ўта олади.

Тергов ишлари бошланди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус комиссияси Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто ўлими юзасидан тергов ишларини бошлади.

Бу ҳақда "BBC News" хабар тарқатади. Тергов жараёнларига ярим йилдан зиёдрок вақт кетиши айтилмоқда. Бу муддат мобайнида комиссия аъзолари Бхуттога нима сабабдан суиқасд қилингани ва унинг ортида қандай кучлар турганини аниқлайди. Жорий йил охирига эса БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун тергов жараёнларини якуни бўйича маъруза қилади.

Комиссияга БМТнинг Чилидаги вакили Гуральдо Мундос раҳбарлик қилаётти. Бундан ташқари, таркибда Индонезиянинг собиқ бош прокурори Марзук Дарусман ва ирландиялик Питер Фитцджеральд бор.

Эслатиб ўтамиз, Беназир Бхутто 2007 йилнинг 27 декабрида Покистоннинг Равалпинди шаҳрида ўтказилган маросимда отиб ўлдирилган эди.

Курилманинг хатоси

Франция ҳукумати Ҳинд океанида ҳалокатга учраган, Яманининг "Yemenia Airways" авиакомпаниясига қарашли "А310-300" самолётнинг "қора қутилари" топилгани ҳақидаги маълумот англашил-мовчилик эканлигини билдирди.



Франциянинг "Transair" русумидаги ҳарбий самолёти, ҳақиқатан ҳам, "А310-300" қулган ҳудудда "қора қутилар"ни қидираётган эди. Бироқ самолётдаги махсус қурилма уларни топишда асдашган экан. Яъни, "қора қути" ўрнига ҳалокатга учраганликни билдирувчи радиомаъкини топибди.

Таъмирлашга тикилган сочлар

Мьянма аҳолиси яроқсиз ҳолга келиб қолган йўлни тиклашга маблағ йиғиш мақсадида 800 килограмм соч тўплади.

Ўтказилган ўзига хос акцияда 30 миң аёл ва 100 нафар эркек иштирок этган. Кузатувчиларнинг айтишича, эзгу мақсад учун баъзи аёллар, ҳатто, 1,2 метр узунликдаги сочларидан ҳам воз кечишган. Тўпланган соч толаларини парик ёки кўгирчоқлар ишлаб чиқарувчи фирма-ларга сотиш режалаштирилган. Ундан келадиган маблағ эвазига эса 25 километрлик йўл таъмирланиши кўзда тутилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХХР Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцянининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Хусусан, «Синьхуа» ахборот агентлиги, «Жэньминь Жибао» газетаси, Хитой халқаро радиоси, Хитой Ахборот интернет маркази, «China View» нашри, Хитой марказий телевидениеси (ССТУ) каналларида хитой ва инглиз тилларида ушбу воқеага бағишланган мақола ва шарҳлар эълон қилинди.

Ўзбекистон — Хитой: ХАЛҚЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Синьхуа» ахборот агентлигининг хабариди, жумладан, ХХР Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцянь 28 июни кунги Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан учрашув ўтказгани таъкидлаб, томонлар ўзаро қизиқ-қиш уйғотувчи бир қатор масалалар юзасидан кенг фикр алмашгани айтиб ўтилади. «Дўстона руҳда ўтган учрашув икки соатдан кўпроқ давом этди», деб ёзади «Синьхуа».

Хабарда таъкидланганики, Хитой томони Ўзбекистон билан ХХР ўртасидаги дўстона ҳамкорлиқнинг муваффақиятли ривожланишида Президент Ислам Каримовнинг улкан ҳиссасини юқори баҳолади. Агентлик, шунингдек, Ли Кэцянининг Ўзбекистонга ташрифи икки мам-

лакат раҳбарларининг Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити доирасида учрашувдан сўнг унча кўп вақт ўтмай амалга оширилганига эътибор қаратади. «Синьхуа» ўз хабариди «Ли Кэцянининг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч ва барча соҳалардаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга, самимий дўстлик ва шерикликка асосланган икки томонлама алоқаларни ривож-лантиришга хизмат қилишига» ишонч билдиради.

«Жэньминь Жибао» газетаси Ли Кэцянининг «ХХР билан Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганидан сўнг икки томонлама алоқалар барқарор тарз-

да муваффақият билан ривожлан-моқда, ўзаро сиёсий ишонч тобора мустаҳкамланмоқда. Икки томонла-ма ҳамкорликда эътиборга молик натижаларга эришилди, гуманитар соҳалардаги алоқалар анча фаол-

лашти. Биз Хитойнинг манфаатла-рига алоқдор бўлган энг муҳим ма-салалар Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланганидан миннат-дормиз. Ўз навбатида, Хитой ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик ва су-веренитетни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бораси-даги сазой-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёр» деган сўзлари-га ургу беради. Хитой оммавий ахборот восита-

лари Ли Кэцянининг «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим ва энг нуфузли давлатдир, у минтақадаги масалаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон билан дўстона ҳамкорлик ва шериклиқни ривож-лантириш ХХР ташки сиебатиининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хитой томони Ўзбе-кистон томони билан биргаликда барча соҳалардаги ҳамкорлиқни кен-гайтириш, маданият, таълим, соғ-ликни сақлаш ва спорт соҳаларида-ги алоқаларни ривожлантириш, БМТ ва ШХТ доирасидаги ўзаро ҳаракат-ларни мувофиқлаштиришни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ва ше-рикликни янги даражага кўтариш йўлида ўзаро келишган ҳолда ҳара-кат қилиш ниятида» деган баёноти-ни алоҳида таъкидлайди.

«China View» газетасида таъкид-ланишича, жаҳон молиявий-иқтисо-

дий инқирозига қарамай, икки то-монлама савдо ҳажми 2008 йил ва 2009 йилнинг дастлабки ойларида юқори даражада ўсган. «Дўстона шериклар сифатида Ўзбекистон би-лан Хитой ўзаро алоқалар ва мас-лаҳатлашувларни жадаллаштириши, тараққиётга ёрдам, реструктуриза-ция, макротиқсодий сиебат ва та-раққиёт стратегияси соҳаларидаги ўзаро алмашинувларни янада фа-оллаштириш ва шу йўл билан гло-бал молиявий таназзулга қарши турган ҳолда икки мамлакат иқти-содиётининг ривож учун қулай ша-роит яратиши керак», деб ёзади нашр.

Хитой халқаро радиоси Ли Кэцянининг «Хитой билан Ўзбеки-стон ўртасида дипломатик муноса-батлар ўрнатилгандан буюн кўп то-монлама алоқалар барқарор ривож-ланмоқда, сиёсий ишонч мустаҳкам-ланмоқда, савдо-иқтисодий ва эн-ергетика соҳаларида, шунингдек, транспорт ва хавфсизлик йўналиш-ларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда» деган сўзларини келтиради. Хитой радиосининг хабар беришича, таш-риф чоғида энергетика, савдо-иқти-содий алоқалар, туризм, тиббиёт ва бошқа соҳаларга алоқадор бўлган бир қатор ҳужжатлар имзоланган.

«Жаҳон» АА. Пекин

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ ОСИЁДА БИРИНЧИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳномалигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли ҳамюртларимиз халқаро мусобақаларда тобора юксак натижаларга эришмоқдалар.

Хусусан, жорий йилнинг 24 июнь — 1 июль кунлари Кирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ёзги биатлон бўйича ўтказилган аънанавий VII Осиё очик кубогида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 та олтин, 14 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Юртдошларимиз спортнинг техник ва амалий турларидан ҳисобланган ёзги биатлон анча ривожланган Россия, Қозоғистон ва Туркия вакил-ларини ортда қолдиришгани му-тахассислар томонидан юқори баҳоладилар.

Терма жамоаси муваффа-қиятга катталар ўртасидаги бахсларда 1 та олтин, 2 та ку-муш медал билан тақдирлан-ган наманганлик Мурод Ҳожи-боев, 1 та олтин ва 1 та ку-муш медалга сазовор бўлган самарқандлик Руслан Носи-ров, ўсмирлар ўртасидаги



беллашувларда бир йўла 3 та олтин медал соҳиби бўлган жиззахлик Анузар Юнусов син-гари спортчиларимиз муносиб ҳисса қўшдилар. Аёллар ўрта-сидаги бахсларда Дилафрўз чимиз Тошкент шаҳри ва ви-лояти, шунингдек, Самарқанд, Наманган, Жиззах, Фарғона ҳамда Хоразм вилоятлари ёшлари орасидан саралаб олинган, ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Осиё очик кубогида ёзги биатлон ривожланган мамла-катлар вакилларига иштирок

Этиштиди, — дейди мусобақа голиби Мурод Ҳожибоев. — Албатта, унда қатнашиш ва за-фар қўчиш барча спортчининг орузси. Бугун эришган гала-бамизни Ўзбекистон Муста-қиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига бағишлаймиз. Насиб этса, шу йилнинг ав-густ ойида Чехияда ўтадиган

Европа очик чемпионати ва жа-ҳон кубоги, сентябрь ойида Гер-мания мезбонлик қиладиган жа-ҳон чемпионатида ҳам му-ваффақиятли иштирок этамиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

«UZVUX» — ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР БУХГАЛТЕРИЯ ДАСТУРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда дунё миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада 2009-2012 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, импорт ўринни босувчи маҳсулотлар тайёрлаш сингари масалаларга жиддий эътибор қаратилгани ўз самарасини бераётди.

Хусусан, Хоразм вилоятида ушбу дастур босқичма-босқич амал-га оширишга эътибор қаратилади. Иқтисодиётнинг барка-рор ривожланиши таъминланмоқ-да. Воҳида жорий йилнинг беш ойи мобайнида 27 831 та янги иш ўрни ташкил этилган, уларнинг ярми-дан кўпроги қишлоқ жойларга тўғри келгани бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда вилоят ҳокимлиги та-шаббуси билан иш ўринлари ярати-ш, умуман, иқтисодиётни янада юксалтириш мақсадида яна бир янгиликка қўл урилди. Яъни «Их-тиро» илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш фирмаси томонидан қишлоқ жойларда ахборот техно-логияларини ривожлантириш мақ-садида маҳаллий «UZVUX» бухгал-терия дастури тайёрланди, уни жорий этишга киришилди.

Таъкидлаш жоизки, кичик биз-нес субъектлари, хусусий тадбир-

роғи, улар бу дастур ёрдамида ҳисоботларни электрон кўри-нишда тайёрлаб, шахсан ёки Ин-тернетдаги манзили орқали тақдим этишлари мумкин.

Биз сўз билан айтганда, «UZVUX» бухгалтерия дастури бу-гунги кун талаблари-га тўла жавоб бера-ди. Шу боис бошкар-мамик мутахассисла-ри ушбу янгиликни маъқуллаб, амалиёт учун тавсия этишди. Эндилда мазкур тизимдан фойда-ланишни истовчилар ўзларига яқин бўлган шахар ёки туман дав-лат солиқ инспекцияларига муро-жаат қилсалар, қифоя.

— Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган семинарларда иш-тирок этган қўллаб фермерлар тадбиркорлар маҳаллий «UZVUX» бухгалтерия дастури тақдимотида унинг ишлашга қулайлиги ҳақида ижобий фикр билдирдилар, — дей-

Ихтиро

Advertisement for TTMZ crane manufacturing plant. Text includes: 'Завод ТТМЗ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А', 'Теперь и в ЛИЗИНГ', 'АВТОКРАНЫ: для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах', 'КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ', 'КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ', 'КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ', 'ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА', 'Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz'

Advertisement for 'КАФЕЛЬ САНТЕХНИКА' (Ceramic Sanitary Ware). Text includes: 'ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"', 'РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%', 'а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)', 'ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ', 'Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73', 'Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 в/улицы строительного рынка №127 zakamsk-group@mail.ru'

ФАН ВА ТЕХНИКА

«Парвоз» — сервосил нав Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида совнинг янги нави яратилди. «Парвоз» деб номланган ушбу нав кечиктар бўлса-да, сервосиллиги, жаҳон бозорлари талабига тўла жавоб бериши билан ахтариб туриди. Усимлик уруғида ёғ ва оксил микдори бошқа навадгиларга нисбатан юқори бўлиб, уруғи пишиш даврида ҳам истеъмолга яради. Унинг кўк массаси эса, чорва моллари учун тўғрили озуқадир.

Рақобатбардош Липосома

ЎзФА Биокимия институтида организмнинг аъзо ва тўқималарига турли моддалар ва дори воситаларини etkazиб беришни таъминловчи нанозарра-лар (липосома) тайёр-лашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Мазкур усул асосида жи-гар, ўт пуфаги, юрак-қон то-мир тизими ва ошқозон ости бези хасталиқларини даво-лашда қўлланладиган ли-посома препаратлари яра-тилган. Бундан ташқари, мазкур липосома чет эл аналитларидан — фаркли уларок, дори препаратлари-ни жараҳатланган тўқима ва органларга тўғридан-тўғри ташлаб etkazиш хусусияти-га эга.

Технамор технология

Тошкент давлат аграр университетда ерни пуштаб чигит қилгаш тайёрлашнинг юқори умумли, технамор технологияси яратилди. Мазкур агротехника тад-бирини бир уринишда амал-га оширадиган комбина-циялаштирилган агрегатини таъриб ва нусхаси ҳам ишлаб чиқарилиб, синовдан ўтқа-зилди. Ишлаб чиқилган техноло-гия ва уни амалга оширувчи агрегат ҳозирда фойдалани-лаётганларига нисбатан ёнги-лойлаш материалла-ри ва электр энергиясини қарийб 30 фоизга, вақт ва мезнатини 50-60 фоизга те-жаш имконини беради. Чи-гитин пуштага эчки натижа-сида сурғиш учун сарфла-надиган суқ микдори 20 фо-изга, минерал ўғитлар сарфи 25,5 фоизга камаydi. О. ПАРГИЕВ.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



— Шахсий автомобилга кўшни республикадан харидор чиқиб қолди. Уни сотиш тартиби қандай?

К. ОЛИМОВ. Бухоро шаҳри

Харидор хориждан бўлса...

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги "Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 1-бандига асосан, 1999 йил 15 апрелдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик юритувчи субъектлари томонидан ушбу қарорнинг 1-илоҳавасига мувофиқ, рўйхатга кирувчи товарларни товар-хом ашё биржалари орқали экспортга сотиш фақат эркин алмаштириладиган валютадан амалга оширилиши белгиланган. Илованинг 48-позициясида ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатурасига код рақами 8702 (автобуслар), 8703 (енгил автомобиллар) ва 8704 (юк ташишга мўъжалланган автомобиллар) бўлган автомобиллар киритилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 11 мартдаги "Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида "Истеъмолда бўлган машиналар, ускуналар ва механизмлар (ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси кодлари ТИФ ТН-84-89 гуруҳлар буйича) экспортга 2005 йилнинг 1 мартидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ваколатли органи — "Ўзбекэкспертиза" ОАЖнинг тегишли хўласаси асосида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматининг қарорлари буйича амалга оширилади", деб қўрсатиб ўтилган.

Р. МАНСУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари.

— Халқ таълими муассасаларида ишлаётган раҳбар, педагог ва техник ходимларга меҳнат таътили неча кунгача берилади? Таътил кунлари учун тўланадиган пул миқдори нимага нисбатан ҳисоблаб чиқилади?

З. ИСМОИЛОВА. Навоий шаҳри

Меҳнат таътили неча кун?

— Раҳбар ходимларга 48, педагог ходимларга 48, техник ходимларга эса 24 кунлик меҳнат таътили берилади. Олий Мажлиснинг 1995 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг 6-илоҳавасида берилган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартибига асосан, меҳнат таътилига чиқишда педагог ходимларнинг тарификациядан ўтказилган охириги тўлиқ ишлаган оий учун тўланган иш ҳақи олинмай, унга ходимнинг асосий дарс соатида ташқари жами устама, моддий рағбатлантириш, муқофот пулларининг ўн иккидан бир қисми қўшилиб, 24,5 коэффицентга бўлинади ҳамда ўртача кунлик меҳнат таътили пули ҳисобланиб, уни ўқувчининг ишлаган ойлари (бир ой, тўрт кунга) қўлайитири тўланади.

А. ЖУМАЕВ, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари вази фасини бажарувчиси.

— Узим вилоятда яшайман. Лекин пойтахтдан уй сотиб олмақчиман. Шу мақсад учун ипотека кредити олишим мумкинми?

Ж. ҚАЛАНДАРОВ. Шеробод тумани

— Тадбиркорман, Дўконига солиқни келиб, солиқ ҳисоботларим нотўғри тўндирилганини, камерал назорат утказиш учун ҳўжатларимни — солиқ идорасига олиб боришимни айтиди. Камерал назорат нима ўзи ва у қандай амалга оширилади?

У. СУЛТОНОВ. Самарқанд шаҳри.



— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги "Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида"ги 92-сонли ҳамда 2004 йил 16 декабрдаги 586-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳар ҳўкимлиги ҳузурнда ташкил этилган "Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олиш" махсус комиссиясининг ижобий қарори олингандан сўнг Тошкент шаҳридан ипотека кредити ҳисобига уй-жой сотиб олиниши мумкин.

Р. БАХРАМОВ, «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари.

Актёрлар қишлоққа боришади

— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, аҳолига, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳамда 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан пойтахтимиз театрларининг барча вилоятларга, жумладан, Наманган вилоятига ҳам гастроль сафарлари ни ташкил этишни режалаштирган.

Хусусан, Ўзбек Миллий академик драма ва Муқимий номидаги ўзбек давлат музика театри жамоалари Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида спектакллар намойиши этиш ва ижодий учрашувлар ўтказиш параддудини кўришмоқда. Шу билан бирга, Наманган вилоятида фаолият олиб бораётган Алишер Навоий номидаги музика драма театри жамоаси ҳам доимий равишда барча туман ва қишлоқ меҳнатқилларига спектаклларини тақдим этиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Сиз ҳам бу жамоалар ижодидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Э. УРИНОВ, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи.

— Мамлакатимиз қайси давлатлар билан ўзаро ишчи кучи етказиб бериш буйича шартнома тузган? Яъни, дунёнинг қайси давлатларига қонуний тарзда ишга бориш мумкин?

М. СУВОНОВ. Зангиота тумани

Қонунийми, марҳамат!

— Аввало, шунга қайд этиш лозимки, фуқароларимиз меҳнат фаолиятларини амалга оширишлари учун қуйдаги икки асосда чет элга чиқиш ҳўқуқига эгадирлар.

Биринчиси — Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳўкуматлараро, идоралараро икки томонлама шартномалар ва битимлар асосида. Маълумки, Корея Республикаси билан мавжуд дўстона алоқалар кенгайиб, меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик изчил давом этиб келмоқда. Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳўмуқофаза қилиш вазирлиғи Пенсия таъминоти бошқармаси бош мутахассиси.

Эларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳўжатларини расмийлаштириш белгиланган шаклга мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган руҳсатномалар асосида амалга оширилади.

Ўзаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларимизнинг республика-миз ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ҳўқуқини таъминлаш мақсадида Осий ҳамда Европанинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Бирлашган Араб Амириклари, Германия Федератив Республикаси, Чехия каби давлатлар билан ҳамкорлик борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ф. УСМОНОВ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи.

Стажга қўшиб ҳисобланмайди

— Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ва минтақавий коэффицент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарганда, даромад-эшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди, деб белгиланган.

Шу билан бирга, Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳўқуқига эга бўлган фуқароларга ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Муқаддам ҲАСАНБЕКОВА, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳўмуқофаза қилиш вазирлиғи Пенсия таъминоти бошқармаси бош мутахассиси.



М. ҲАКИМОВА. Ҳамза тумани

«Ишонч телефони» хизматида

— Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспортда кузатиш камчиликларини ўрганиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида 2009 йил 1 февралдан эътиборан "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасининг Марказий "Ишонч телефони" жорий этилган. Йўловчи ташиш муносабат, шикоят рақамли "Ишонч телефони" жорий этилган. Йўловчи ташиш муносабат, шикоят рақамли "Ишонч телефони" жорий этилган.

— 2008 йили Қозоғистон Республикаси Тараз вилоятидаги М. Х. Дулати номи давлат университетининг ҳўқуқшунослик (юриспруденция) факультетини тамомладим. Ана шу таълим даргоҳидан олган дипломим нострификация қилинадими?

А. АБДУЛЛАЕВ. Қонимех тумани

Нострификация қилинади

— Ўзбекистон Республикасида нострификация жараёни Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган "Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низом" асосида амалга оширилади.

Қозоғистон Республикасидаги М. Х. Дулати номи Тараз давлат университетидан берилган диплом юқоридаги Низом талабларига мос келган ҳўлда нострификация қилиниши мумкин.

З. ТОЖИХЎЖАЕВ, Давлат тест маркази директори ўринбосари.

— Ўғлим ҳайдовчилик курсига ўқишга кирганди. Ўқиш муддати уч ойдан ошқроқ экан. Лекин биринчи ой якунига етгач, уни сафарбарлик чактури резервга олишди — хизматга кетди. Энди ҳайдовчилик курсидан ўқигувчилари телефон қилиб, ўғлингизни ўқидан четлатамиз, дейишапти. Унинг хизматга кетганини тушунтирдим. Бироқ инobatта олишмади. Бундай ҳўлатда қандай йўл туттиш керак? Унинг ўқидан четлатилиши тўғрими?

К. ТЎХТАЕВ. Фаргона шаҳри

Ўқишни давом эттириши мумкин

— Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни 25-моддасига асосан, фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга чактурилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун зарур вақт давомидан ишдан (ўқидан) озод этилади, уларнинг иш (ўқиш) жойидаги ўртача иш ҳақи (стипендияси) сақланиб қолади.

Ушбу ҳўлатда яшаш жойинидаги мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилиб, ўғлингизни бир ойлик сафарбарлик чактури резерви хизматчиларининг ҳарбий йиғинига юборилгани тўғрисидаги маълумотномани ҳайдовчилик курси раҳбариятига тақдим этишингиз зарур. Ўғлингиз ҳарбий йиғиндан келгандан кейин мудофаа ишлари бўлимидан ҳарбий йиғинда бўлган вақт кўрсатилган маълумотномани олиб, курс раҳбариятига топшириши лозим. Ўғлингиз бошқа гуруҳ билан ўқишини давом эттириши мумкин.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари.

Уй сотиб олмақчиман

Халқ сўзи Народное слово

Камерал назорат нима?

— Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳўзурига бормасдан, давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда ва давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки назорат қўлуви органлар фаолиятини мувофиқлаштириш буйича махсус ваколатли органининг бирон-бир махсус руқасатисиз амалга оширилади. Камерал назорат қўидаги йўналишлар буйича амал-

га оширилади: молиявий ва солиқ ҳисоботининг барча шакллари тўлиқ тақдим этилишини текшириш; молиявий ҳамда солиқ ҳисоботи тўғри тўндирилганлигини текшириш; молиявий ва солиқ ҳисоботининг барча шаклларида кўрсатилган тегишли кўрсаткичларнинг бир хиллигини текшириш; солиқ ставкалари қўлланилишининг асосланганлигини текши-

риш; солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосланганлигини текшириш; солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этганлигини текшириш; тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги маълумотлар ва давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган маълумотларнинг мувофиқлигини текшириш; мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишини текшириш.

Айтиш жоизки, камерал назоратнинг асосий мақсади тадбиркорликни ҳўмоқ қилиш, яъни солиқ ҳўқуқбузарликларини аниқлаш ва олдини олиш ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида тузатишдир. Камерал назоратнинг туб моҳияти солиқ тўловчиларни ҳўқуқий ҳўмоқ қилишга қаратилган. Яъни, камерал назорат, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656, 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Манзилими: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мухасҳҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6 7 8 9